

**12/08-22 - сонли шартнома
(Хизмат кўрсатиш тўғрисида)**

Тошкент ш.

2022 йил “ 12 ” август

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги номидан низом асосида иш юритувчи Вазир И.Ю.Абдурахмонов бир томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) ҳамда “SMART BUSINESS LAB” МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи директов Мухаммедов Д.Д., иккинчи томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) куйидагилар хакида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофик вазирликда **Ахборот жойлаштириш ва сайтга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатиш** мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник (топширик) шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хохишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофик кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофик кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

— буюртмачидан амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

— буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

— ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник тошпирикка биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

— агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **280 000 000** сўм , (икки юз саксон миллион) сўм, жумладан **36 521 739** (ўттиз олти миллион беш юз йигирма бир минг етти юз ўттиз тўққиз) сўм **ККС** билан. Кўрсатиладиган хизматларнинг спецификацияси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи (агарда энг мақбул таклиф суммаси 1 млрд.сўмдан ошган ҳолларда 15 фоиз) миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисоб-рақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактура имзоланганидан кейин беш иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб-рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунчиликда

белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ғазначилик штампда кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин такдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш ҳудди шу техник тошширикқа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдидан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан такдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай такдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмиини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Такдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи такдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага кўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар такдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон такдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг

20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга

тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатининг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ун) иш кун олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлик тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга

оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларни талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ўар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

— бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;

— ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;

— амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

— ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асосланганлиги лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини

кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадilar. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироқи хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тулик амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкии.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли

вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб амалга оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

"SMART BUSINESS LAB" МЧЖ
Тошкент ш. Яккасарой тумани
Махмуд Таробий кўчаси 25-ўй
Х/р 2020 8000 9006 1227 5001
Банк: "Ипак Йули банк"
ОПЕРУ АИКБ
МФО: 00444
ИНН: 303911042
ОКЭД: 63110

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги
Х/р 23402000300100001010
ШХВ 400110860262807014301254001
Банк реквизитлари: ХККМ МБ
Тошкент ш.ББ
МФО: 00014
ИНН: 305166715,
ИНН каз 201122919
ОКЭД: 84111

Бажарувчи раҳбари



Д. Мухаммадиев

(имзо)

Буюртмачи раҳбари



И. Абдурахмонов

(имзо)

Ҳасан
Ш. Махмудов

Ш. Махмудов

2022 йил “ 12 ” августдаги
№12/08-22 - сонли шартномага
1-илова

Кўрсатиладиган хизмат
СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

№	Хизмат номи	Хизмат сони	Нархи ККС(ККС сиз)	Сумма
1.	Ахборот жойлаштириш ва сайтга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатиш (Услуга по размещению информации и технической поддержке сайта)	1	36 521 739	280 000 000
Жами: 280 000 000 (икки юз саксон миллион) сўм				


Кўрсатиладиган хизмат бўйича шартноманинг умумий қиймати: 280 000 000 сўм, (икки юз саксон миллион) сўм, жумладан 36 521 739 (ўттиз олти миллион беш юз йигирма бир минг етти юз ўттиз тўққиз) сўм ККС билан.


Томонлар имзоси

Буюртмачи номидан

Бажарувчи номидан

 Абдурахмонов И.Ю.

 Мухаммадиев Д.



2022 йил “ 12 ” августдаги
№12/08-22 - сонли шартномага
2-илова

Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Ҳукумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;
Телеграм-канали (“@anticorbot”);
Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:


Буюртмачи:



Мухаммадиев Д



И.Абдурахмонов



СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица (субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании:

Общество с ограниченной ответственностью "SMART BUSINESS LAB"

(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

ООО "SMART BUSINESS LAB"

(Сокращенное наименование юридического лица)

21.04.2016

(Число, месяц (прописью), год):

За регистрационным номером:

009160-09

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

303911042

Организационно-правовая форма:

Общество с ограниченной ответственностью

Местонахождение:

город Ташкент, Яккасарайский район, MAXMUD TARABIU
KO`CHASI, 25-UY,

Свидетельство выдано:

город Ташкент, Яккасарайский район, ЦЕНТР
ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

(Полное наименование регистрирующего органа):



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Инновацион ривожланиш вазири
харид комиссияси раиси



И.Абдурахмонов

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги харид комиссияси йиғилишининг 11-сон БАЁНИ

2022 йил “11” август

соат 17:30

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: - **И. Абдурахмонов** - Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири, харид комиссияси раиси

Иштирок этганлар: - Инновацион ривожланиш вазирлиги харид комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 7 уйда жойлашган Бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида Енгил автомобиль таъмирлаш ҳамда Ахборот жойлаштириш ва сайтга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича Энг яхши таклифларни танлашдан кейинги муҳокама натижалари (кейинги ўринларда – Энг яхши таклифларни танлаш) бўйича

(Абдурахмонов, Якубов, Пардаев, Туланов, Носиров, Муҳиддинов Абдурахмонов,)

Кун тартибидаги масала юзасидан Харид комиссияси котиби М.Муҳиддинов сўзга чиқиб, комиссия аъзоларига қуйидагиларни маълум қилди:

129955-сонли лот асосида ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш жараёни натижаларига асосан Енгил автомобиль таъмирлаш хизматини кўрсатиш бўйича голиб деб **“INFINITE PROGRESS SERVICES”** масъулияти чекланган жамияти (39 500 000,0 сўм) топилган ҳамда заҳира голиб сифатида **“TOWARDS FUTURE DEVELOPMENT”** масъулияти чекланган жамияти (40 700 000,0 сўм) топилган.

129957-сонли лот асосида ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш жараёни натижаларига асосан Ахборот жойлаштириш ва сайтга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматини кўрсатиш бўйича голиб деб **“SMART BUSINESS LAB”** масъулияти чекланган жамияти (280 000 000,0 сўм) топилган ҳамда

захира ғолиб сифатида **“NAPA AUTOMOTIVE”** масъулияти чекланган жамияти (300 000 000,0 сўм) топилган.

Мазкур натижалар 2022 йил 8 августида махсус ахборот порталида таклиф ва эътирозлар учун муҳокамага қўйилди, ҳамда мазкур натижалар асосида таклиф ва эътирозлар келиб тушмади.

Шунингдек харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лотда иштирок этмаяпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, натижалар барча комиссия аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди ва қарор қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалаларни хар томонлама чуқур муҳокама қилиб, харид комиссияси қарор қилади:

1. 129955-сонли лот бўйича энг яхши таклифларни танлаш ғолиби **“INFINITE PROGRESS SERVICES” МЧЖ** билан 5 кунлик муддатда шартнома имзолансин;

2. 129957-сонли лот бўйича энг яхши таклифларни танлаш ғолиби **“SMART BUSINESS LAB” МЧЖ** билан 5 кунлик муддатда шартнома имзолансин;

3. Комиссия қотиби ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими танлаш жараёни бўйича ғолиб иштирокчилар билан шартнома имзоланишини ҳамда натижалар бўйича қарор(баён) махсус порталга жойлаштирилишини таъминласин;

Харид(энг яхши таклифларни танлаш) комиссияси аъзолари танлаш ўтказиш бўйича тўлиқ ҳолда таркибда қатнашди ҳамда танлашни ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Танлаш комиссияси қарори бўйича розилар – 100 фоиз, қаршиллар – йўқ, бетарафлар – йўқ. Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Харид(танлов) комиссияси аъзолари:

А.Т.Якубов

Ю.Н.Пардаев

А.А.Туланов

Х.А.Носиров

Комиссия қотиби:

М.Р.Муҳиддинов

Баён - харид комиссияси қотиби М.Муҳиддинов томонидан олиб борилди.